

**«SHARG`UNKO`M IR»  
aksiyadorlik jamiyati  
НИЗОМИ (УСТАВИ)**

(янги таҳрир)

**Шаргун шаҳри – 2015 й.**

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “SHARG`UNKO`MIR” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда “Жамият” деб аталувчи) Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-сонли Қарори билан тасдиқланган Тартибга, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги “2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастуритўғрисида”ги 185-сонли Қарорига, ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Сурхондарё вилояти худудий бошқармасининг 2003 йил 26 декабрдаги 622-сонли буйруғига асосан “Шарғункумир” Шуъба корхонасини очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантириш (хусусийлаштириш) йўли билан ташкил этилган бўлиб унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Мазкур Устав (Низом) ЎЗР Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар негизида тузилди.

1.2. “SHARG`UNKO`MIR” aksiyadorlik jamiyati, ўз фаолиятини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав асосида юритади.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

лотин алифбосида – “SHARG`UNKO`MIR” aksiyadorlik jamiyati;

кирил алифбосида – “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти;

рус тилида: Акционерное общество «Шаргункумир»;

Қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида:

лотин алифбосида – «SHARG`UNKO`MIR» AJ;

кирил алифбосида - «Шарғункўмир» АЖ;

рус тилида: АО «Шаргункумир»;

1.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва хорижий давлатларда юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин. Улар кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Филиал ва ваколатхоналар раҳбарлари жамият томонидан тайинланган шахслар бўлиб, улар жамият берган ишончнома асосида иш юритадилар. Жамиятнинг филиал ва ваколатхоналарга бериб қўйилган мол-мулки жамият балансида ҳисобга олинади. Филиал ва ваколатхоналар фаолияти учун жавобгарлик жамият зиммасида бўлади.

1.5. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.6. Жамият манзили: 191014, Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Шарғун шаҳри, А.Икромов кўчаси, 50-уй

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@sharguncoal.uz](mailto:info@sharguncoal.uz)

Жамиятнинг расмий web-сайти: [www.sharguncoal.uz](http://www.sharguncoal.uz)

## 2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулки ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

2.3. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда

товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.5. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига оладилар.

2.6. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ ВА МАҚСАДИ**

3.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади ҳалқ хўжалигида илғор технологиялар, бозор иқтисодиёти ютуқлари ва имтиёзларини жорий қилиш, мамлакатлар ва халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда акциядорларнинг манфаатлари учун фойда олишдан иборатдир. Қуйидагилар Жамият фаолиятининг асосий вазибалари ва йўналишлари ҳисобланади:

- очик ва ер ости усулларида кумир казиб олиш;
- кумирни бойитиш;
- кумир брикетларини ишлаб чикариш;
- каолин ва охактош, гипс ва бошқа шуларга алоқадор булган фойдали казилмаларни очик ва ер ости усулларида казиб олиш;
- курилиш материаллари, хом аше, техника ва асбоб ускуналарни ишлаб чикариш, тайёрлаш ва сотиш;
- Махаллий ва халқаро юк ва йуловчиларнинг автотранспорт ташувини ташкил этиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга ишлаб чикаришга йуналтирилмаган ва техник ишлаб чикаришга йуналтирилган кучмас мулкни ижарага бериш;
- улгуржи, тижорат, озик-овкат, универсал дуқонларини ва супермаркетлар хусусий тармоғини тузиш;
- халқ исътемомол моллари ва техник ишлаб чикариш йуналишдаги махсулотларни ишлаб чикариш ва сотиш;
- автотранспортни таъмирлаш ва сервис хизматини курсатишни ташкил этиш;
- автомобилларни ювиш хизмати тармоқларини очиш;
- курилиш таъмирлаш ишлари, курилиш, сантехник ва авария хизматларини бажариш, бино ва хоналар дизайни, ишлаб чикариш ва савдо хоналарини, бинолар ва турар жой уйларини обдон таъмирлаш;
- электромонтаж, монтаж ва ишга тушириш ишларини ташкил этиш, ишлаб чикариш тармоқларига техник хизмат курсатиш;
- безаш, монтаж ва том ёпиш ишлари;
- лойиха ва смета хужжатларини ишлаб чиқиш;
- маиший ва саноат музлаткичлари ва кондиционерларни сотиб олиш, уларни сотиш, таъмирлаш ва техник хизматини курсатиш;
- иккиламчи ресурсларни ва ишлаб чикариш чиқиндикларини йиғиш ва кайта ишлаш, тайёрлаш ва сотиш;
- аҳолига маиший хизматларни барча турларини курсатиш;
- хужжатларни купайтириш, нусха кучириш ва таржима қилиш буйича хизматлар;
- матбаа хизматлари ;
- корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга дистрибьюторлик, дилерлик, агентлик, вакиллик, инжиниринг ва маслаҳатчилик хизматларини курсатиш, маркетинг изланишларини утказиш;
- ахборот базалари ва маълумотлар банкларини яратиш;
- реклама фаолияти, кургазмаларда иштирок этиш, миқозлар буюртмаси буйича реклама махсулотини ишлаб чикариш;
- Илмий изланиш, лойиха конструкторлик ва тажриба ишларини утказиш;
- амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда экспорт импорт операцияларини

утказиш;

-ким ошди савдоларида юридик ва жисмоний шахслардан кучар ва кучмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

-компьютер, радио, видео, телеаппаратура ва купайтириш техникасини сотиб олиш, етказиб бериш, сотиш ва уларга техник ва сервис хизматини курсатиш;

-юридик ва жисмоний шахсларга мураккаб электрон аппаратураларини созлаб ва таъмирлаб бериш;

-кишлоқ хужалиги, чорвадорчилик, асал-аричилик махсулотларини, шунингдек доривор усимликларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йигиш, қайта ишлаш ва сотиш;

-божхона омборларини ташкил этиш;

- Илмий - амалий изланишлар, илмий ишлар ва бошқа ишланмаларни, янги технологияларини, “ноу-хау”ларни яратиш, сотиб олиш ва сотиш, ҳамда уларни ишлаб чиқаришда татбиқ этиш;

-ташки иқтисодий фаолият;

-Ўзбекистон Республикаси, МДХ ва чет элларга кўмир сотиш;

- қўшма ва кичик корхоналар ташкил этиш;

- кўмир казиб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш;

-иш фаолиятида хавфсизликни таъминлаш;

- ишчилар меҳнат шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий химоялаш;

- атроф муҳитга зарарли чиқиндиларни чиқаришни камайитириш;

- транспорт хизмати кўрсатиш;

- инвесторларнинг молиявий маблағларини, интеллектуал мулк объектларини, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг мол-мулклари ва номулкий ҳуқуқларни жалб қилиш;

- Қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш, сотиб олиш билан операцияларни амалга ошириш;

- молиявий ва мулкый лизинг, бинолар, уйлар, жихоз, мулкни фойдаланишга ёки ижарага бериш ва олиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан урнатилган тартибда Ўзбекистон ва чет эл ҳуқуқий ва жисмоний шахсларига ўз махсулотларини сотиш ва улардан жамият учун керакли ва зарур махсулотларни сотиб олиш;

- ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ ташки иқтисодий фаолият кўрсатиш;

- чакана ва улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш;

- воситачилик, шу жумладан савдо воситачилик ва савдо-харид фаолиятини амалга ошириш;

- халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш;

- курилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

- ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиш;

- чорвачилик, парандачилик, балиқчилик фаолиятини амалга ошириш;

- Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг қонунчиликка зид келмайдиган бошқа турлари билан шуғулланиши мумкин.

-Жамият ўтган молиявий йил учун белгиланган бизнес режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда, ўтган йил соф фойдасининг 10 фоизидан ортиб кетмаслик шарт билан ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамларни амалга ошириши мумкин.

3.3. Махсулот рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

#### **4. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ**

4.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

4.2. Жамият Устав фондининг миқдори 7 029 420 000 (Етти миллиард йигирма тўққиз миллион тўрт юз йигирма минг) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1000

(бир минг) сўм бўлган 7 029 420 (Етти миллион йигирма тўққиз минг тўрт юз йигирма) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияга бўлинган.

Бир дона акциянинг номинал қиймати 1000 (Бир минг) сўм.

4.3. Жамият устав фондининг миқдори қонунчиликда белгиланган тартибда жамият ваколатли органининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

4.4. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда умумий қиймати 193 435 000 000 (бир юз тўқсон уч миллиард тўрт юз ўттиз беш миллион) сўмгача, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 193 435 000 (бир юз тўқсон уч миллион тўрт юз ўттиз беш минг) донагача эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз эълон қилинган акцияларни жойлаштиришга ҳақли.

## **5. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ**

5.1. Жамиятнинг устав фонди фақат қўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.3. Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставига белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.5. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставига кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.6. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.7. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айтишга турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

## **6. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ**

6.1. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.2. Жамият устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори жамият устав фондининг жамиятнинг уставига тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, жамият устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

6.3. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида томонидан қабул қилинади.

6.4. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **7. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ МИҚДОРИ КАМАЙТИРИЛГАНИ ТЎҒРИСИДА КРЕДИТОРЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ**

7.1. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажарилишини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

## **8. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

8.1. Жамият акциядорлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қоплалишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

## **9. АКЦИЯЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИНГ ЎТИШИ**

9.1. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

## **10. ЖАМИЯТНИНГ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

10.1. Жамият қонун ҳужжатларига ва ўз уставига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

10.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

10.3. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгаши томонидан кенгашнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилган қарорига кўра амалга оширилади.

## **11. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ**

11.1. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек, пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

11.2. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

11.3. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ёки уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли.

11.4. Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

11.5. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш нархи (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) жамият кузатув кенгаши томонидан, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

11.6. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

11.7. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

11.8. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

11.9. Акциядор, шу жумладан йиғилишда қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор очиқ обуна усули билан жойлаштирилаётган акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

11.10. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли.

## **12. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ**

12.1. Жамиятда жамият устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида заҳира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг заҳира фонди ушбу уставда кўрсатилган миқдорга етгунига қадар ҳар йилги соф фойданинг камида 5 (беш) фоизи миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

12.2. Жамиятнинг заҳира фонди бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

12.3. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

12.4. Жамият ўз фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида заҳира фондидан ташқари меҳнатни муҳофаза қилиш фонди, ижтимоий-ҳимоя қилиш фонди, истеъмол фонди, рағбатлантириш фонди, уй-жой қурилиш фонди, янги маҳсулотлар яратишда маркетинг ва истикболли тадқиқотлар фонди ва бошқа фондлар тузишга ҳақли. Бундай фондларнинг ҳажми ва низоми акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

12.5. Жамият соф фойданинг камида 10 фоизини бозор талабларига мувофиқ янги маҳсулотлар яратиш мақсадида уларнинг ишланмалари ва маркетинги учун истикболли тадқиқотларга йўналтиради.

12.6. Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш кузатув кенгаши қарорлари билан амалга оширилади.

12.7. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

12.8. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугагандан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондидан соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириши шарт.

12.9. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати акциядорлик жамиятлари учун қонунчиликда белгиланган устав фондидан энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият ўзининг тугатилиши ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

12.10. Жамиятнинг устав фондидан камайтириш ёки жамиятни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек, давлатнинг ваколатли органлари жамиятни тугатиш суд тартибидан тугатишни талаб қилишга ҳақли.

### **13. ЖОЙЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯЛАРНИ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ОЛИШ**

13.1. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондидан камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

13.2. Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати устав фондидан қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан устав фондидан камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

13.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан жамиятнинг устав фондидан камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

13.4. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинадиган акцияларнинг турлари, жамият оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилиши керак.

13.5. Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат 10 (ўн) кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

13.6. Олиш тўғрисида қарор қабул қилинган акцияларнинг эгаси бўлмиш ҳар бир акциядор кўрсатиб ўтилган акцияларни сотишга ҳақлидир, жамият эса уларни олиши шарт. Агар жамият томонидан олиниши тўғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони ушбу бандда белгиланган чекловлар ҳисобга олинган ҳолда жамият олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар олинади.

13.7. Акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан 10 (ўн) кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларни жамият томонидан



акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор қилиши шарт. Хабарномада ушбу уставнинг 13.4.-бандида кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

#### **14. ЖОЙЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯЛАРНИ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ОЛИШГА ДОИР ЧЕКЛОВЛАР**

14.1. Жамият ўзининг жойлаштирилган оддий акцияларини:

- жамиятнинг бутун устав фонди батамом тўлангунга қадар;
- агар оддий акцияларни олиш пайтида жамиятда банкротлик белгилари бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни олганлиги натижасида пайдо бўлса;
- агар оддий акцияларни олиш пайтида жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан ва заҳира фондидан кам бўлса ёхуд акцияларни олиш натижасида уларнинг миқдоридан камайиб кетса, олишга ҳақли эмас.

Ушбу уставнинг 16-бандига мувофиқ қайтариб сотиб олиш тўғрисида талаб қўйилган ҳамма акциялар қайтариб сотиб олинмагунга қадар жамият жойлаштирилган акцияларни олишга ҳақли эмас.

#### **15. АКЦИЯЛАРНИ ЙИРИКЛАШТИРИШ ВА МАЙДАЛАШ**

15.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳуқуқига эга бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

15.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни майдалаш ҳуқуқига эга бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

#### **16. АКЦИЯДОРЛАР ТАЛАБИГА БИНОАН ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ҚАЙТАРИБ СОТИБ ОЛИШ**

16.1. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар: жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида; жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида; жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида;

жамият уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлашда, башарти акциядорлар тегишли қарорлар қабул қилинишига қарши овоз берган бўлсалар ёки овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар, ўзларига қарашли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

16.2. Ўзларига тегишли акцияларни жамиятнинг қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати овоз бериш натижасида акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

16.3. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни баҳолашни ва қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

16.4. Жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор этиши шарт.

16.5. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас, бундан жамиятнинг ўзгартирилиши ҳоллари мустасно. Қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони ушбу қисмда белгиланган чеклов инобатга олинган ҳолда жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда акциялар акциядорлардан қўйилган талабларга мутаносиб равишда қайтариб сотиб олинади.

16.6. Акциялар қайтариб сотиб олинган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши лозим, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур акцияларни бекор қилиш йўли билан жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

## **17. ДИВИДЕНД**

17.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

17.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

17.3. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

## **18. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТўЛАШ ТўҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

18.1. Жамият молиявий йил натижаларига кўра йилда бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

18.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

## **19. ДИВИДЕНДЛАР ТўЛАШ ТўҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

19.1. Акциялар бўйича дивидендларни тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

19.2. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

19.3. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

## **20. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ**

20.1. Дивидендлар жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги керак.

20.2. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг тенг ҳуқуқлигига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

20.3. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

## **21. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ МУМКИН БЎЛАДИГАН АКЦИЯЛАР**

21.1. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

## **22. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШДАГИ ЧЕКЛОВЛАР**

22.1. Жамият:

- жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва заҳира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

## **23. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАНИШИ ҲАҚИДА АКЦИЯДОРЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ.**

23.1. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

## **24. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ БОШҚАРИШ**

24.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.

24.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

24.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

24.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кузатув кенгаши томонидан белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, коллегиал ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари, жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

24.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

24.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотларнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

## **25. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ**

25.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- б) жамиятни қайта ташкил этиш;
- в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- г) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ж) ўз акцияларини олиш;
- з) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- и) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- й) жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
- к) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- л) жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
- м) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қонунчиликда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- н) акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- о) саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
- п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- р) қонунчиликда ва ушбу уставда кўзда тутилган тақдирда манфаатдорлик мавжуд битимлар тузиш;
- с) қонунчиликда ва ушбу уставда кўзда тутилган тақдирда жамиятнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштирилиши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;
- т) кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва бадаллар миқдорини тасдиқлаш;
- у) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

25.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият кузатув кенгаши ва ижроия органига берилиши мумкин эмас.

## **26. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ҚАРОРИ**

26.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича жамиятнинг оддий акцияларининг эгалари бўлган акциядорлар ва ушбу уставда ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга.

26.2. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, ушбу уставда қарор қабул қилиш учун акциядорлар овозининг кўпроқ миқдори белгилаб қўйилмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

26.3. Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, жамиятни қайта ташкил этиш, жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш, эълон

қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш, жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш, жамиятнинг йирик битим тузиш масаласи бўйича кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган ҳолларда ва баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 50 фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

26.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек, йиғилиш кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

26.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари Қонунда ҳамда жамият уставида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

26.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди.

26.7. Агар акциядор узрли сабабларга кўра акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

## **27. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ**

27.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

27.2. Акциядорнинг талабига биноан жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

27.3. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартишлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

## **28. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ**

28.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Бунда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

28.2. Жамият умумий йиғилиш ўтказиш ҳақида акциядорларни бошқа оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) орқали кўшимча хабардор қилишга ҳақли.

28.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорлари реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

28.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, жамият кузатув кенгашининг жамият ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси) билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳулосаси, жамият кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоллигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

## **29. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING КУН ТАРТИБИГА ТАКЛИФЛАР КИРИТИШ**

29.1. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган жамият акциядорлари (акциядори) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 30 кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва жамият тафтиш комиссиясига бу органларнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

29.2. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

29.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала - уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма равишда киритилади.

29.4. Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш, шу жумладан, ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, (агар номзод жамият акциядори бўлса) шунингдек, номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

29.5. Жамият кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу уставнинг 29.1. ва 29.2. бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

29.6. Акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек, кўрсатилган номзодлар жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- акциядор (акциядорлар) ушбу уставнинг 29.1.бандида белгиланган муддатга роя этмаган бўлса;
- акциядор (акциядорлар) ушбу уставнинг 29.1.бандида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- ушбу уставнинг 29.3.бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

29.7. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантилган

қарори ана шу масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорга (акциядорларга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

29.8. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

### **30. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ҲАҚИДА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШИ**

30.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда жамият кузатув кенгаши, уставнинг 31.11. бандида назарда тутилган ҳолларда эса умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

30.2. Аниқ масала кўйилишини ақс эттирмайдиган масалалар (шу жумладан, “турли масалалар”, “бошқа масалалар”, “ўзга масалалар” ва х.к.) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

30.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

### **31. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

31.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббуси асосида, жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек, ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

31.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

31.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

31.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидеги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

31.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган бўлиши лозим.

31.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

31.7. Жамият тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

31.8. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) Ушбу уставнинг 31.1. бандида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

31.9. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантилган қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

31.10. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

31.11. Жамият кузатув кенгаши қонунчиликда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

## **32. САНОҚ КОМИССИЯСИ**

32.1. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

32.2. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, ижроия органи аъзолари, шу билан бирга ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

32.3. Санок комиссияси акциядорлар умумий йиғилишида қворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг архивига топширади.

## **33. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАРТИБИ**



33.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

33.2. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

33.3. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) акс эттирилган бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилди.

#### **34. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИНING КВОРУМИ**

34.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

34.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

34.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

34.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу уставнинг 28-моддасида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

34.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

#### **35. АКЦИЯДОРЛАРNING УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШ**

35.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

#### **36. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИНING БАЁННОМАСИ**

36.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

36.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар акс эттирилиши лозим.

### **37. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

37.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

37.2. Жамият кузатув кенгаши 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, улар қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар.

37.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган жамият “Кузатув кенгаши тўғрисида” ги Низом билан белгилаб қўйилади.

### **38. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

38.1. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан ушбу Уставнинг 31.11. бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- ё) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш;
- з) жамиятнинг ижроия органини тузиш (бошқарув раиси ва аъзоларини) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ижроия органига (бошқарув раиси ва аъзоларига) тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- и) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- й) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш ва тасдиқлаш, бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши томонидан жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- к) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- л) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматида тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- м) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни жамият ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- н) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
- о) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- п) жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
  - р) жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил этиш;
  - с) жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
  - т) қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган ҳолларда йирик битим тузиш ва аффилиланган шахслар билан битим тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
  - у) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
  - ф) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - х) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - ц) эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - ч) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - ш) жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
  - э) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
  - ю) эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;
- қонунчиликка ва ушбу уставга мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

38.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

## **39. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ**

39.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги Қонун ва жамият уставига назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

39.2. Жамият бошқарув раиси ва аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган жамият “Кузатув кенгаши тўғрисида” ги Низом билан белгилаб қўйилади.

39.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

39.4. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

39.5. Давлат вакили лавозимида кўра жамиятнинг кузатув кенгашининг аъзоси бўлади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди.

## **40. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

40.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

40.2. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақлидир.

40.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

#### **41. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ**

41.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг, миноритар акциядорлар кўмитасининг, аудиторлик ташкилотининг шунингдек жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 фоизига эгалик қилувчи акциядор ёки акциядорлар талабига биноан чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби жамият “Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом”да белгилаб қўйилади.

41.2. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

41.3. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

41.4. Жамият кузатув кенгаши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди.

41.5. Жамият устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва шу муносабат билан жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

41.6. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

41.7. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

41.8. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

41.9. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан жамият кузатув кенгаши барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

41.10. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамият бошқарув раисига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий

йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилган куни топширилади.

41.11. Кузатув кенгашининг фаолиятини белгилаб берувчи тўлиқ қоидалар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланадиган жамият “Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади.

## **42. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

42.1. Жамиятнинг ижроия органи жамият бошқаруви деб номланиб, 5 кишидан иборат бўлади ва бир йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар). Ижроия органи раҳбари бошқарув раиси ҳисобланади. Бошқарув органи таркибига бошқарув раиси (бош директор), жамият директорлари (бошқарув раиси ўринбосарлари), бош ҳисобчи ва жамиятнинг асосий бўлинмалари бошлиқлари сайланиши (тайинланиши) мумкин.

42.2. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамият бошқарув раиси томонидан амалга оширилади.

42.3. Жамият ижроия органининг раҳбарини (бошқарув раисини) сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан танлов асосида қабул қилинади. Жамият ижроия органининг раҳбарини (бошқарув раисини) лавозимига тажрибали хорижий менежерлар ҳам сайланиши мумкин.

42.4. Жамият ижроия органи аъзоларини (бошқарув аъзоларини) сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор, кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

42.5. Жамият бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

42.6. Бошқарув раиси жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, жамият манфаатларини ифода этади, унинг номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

42.7. Жамият бошқарув раисининг ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади. Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият бошқарув раисини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш (сайлаш) танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

42.8. Жамият бошқарув раисининг ва жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси томонидан имзоланади. Жамият бошқарувининг раиси ва аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

42.9. Жамиятнинг бошқарув раисига, бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

42.10. Жамият бошқарув раиси вазифасини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашини розилиги билан йўл қўйилади.

42.11. Жамият кузатув кенгаши жамият бошқарув раиси ва жамият бошқарувининг аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар шартнома шартларини бузса ёки жамият уставини қўпол тарзда бузса ёхуд уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

42.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият бошқарув раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида

ҳал этилиши ёки жамият бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

42.13. Агар жамият бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинган бўлса, Кузатув кенгаши бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

42.14. Жамият кузатув кенгаши томонидан бошқарув аъзоларининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият бошқарув аъзоларининг ваколатларини бошқа шахсларга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёки жамият бошқарув аъзоларининг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсларни тайинлаган ҳолда кузатув кенгашининг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

42.15. Жамият бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Жамият бошқаруви мажлисининг баённомаси кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) аъзолари талабига кўра уларга берилади.

42.16. Жамиятнинг бошқаруви мажлисларини ўтказишни бошқарув раиси ташкил этади, у жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, жамиятнинг бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ иш юритади.

#### **43. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА ИЖРОИЯ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

43.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият ижроия органи аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

43.2. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, жамият ижроия органи аъзолари жавобгар бўлмайди.

43.3. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, жамият ижроия органи аъзолари устидан судга мурожаат қилишга ҳақли

#### **44. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛК ОЛИШИ ЁКИ УНИ ТАСАРРУФДАН ЧИҚАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЙИРИК БИТИМЛАР**

44.1. Қуйидагилар йирик битимлар ҳисобланади:

- жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

44.2. Жамиятнинг йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга

берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулудда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

Жамият мол-мулкининг бозор қийматини аниқлаш учун битимнинг тарафлари томонидан баҳоловчи ташкилот жалб этилиши мумкин.

#### **45. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛК ОЛИШИ ЁКИ УНИ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЙИРИК БИТИМНИ ТУЗИШ**

45.1. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

45.2. Йирик битим тузиш масаласида жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгаши қарорига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин.

45.3. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

45.4. Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

Ушбу талаб бузилган ҳолда тузилган йирик битим суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин

#### **46. ЙИЛЛИК ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

46.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

46.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

46.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

46.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

#### **47. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ**

47.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

47.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

47.3 Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Тафтиш комиссияси тўғрисида» ги низомда белгиланади.

47.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

47.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айна шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

47.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

47.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда Қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

47.8. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

47.9. Ушбу уставнинг 47.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

## **48. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ**

48.1. Жамиятда жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

48.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## **49. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ**

49.1. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганда жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

49.2. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан Қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан Қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

49.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

## **50. ЖАМИЯТНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ**



50.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

50.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг директори, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

50.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қўйидагилар киради:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

- миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида муурожаатлар киритиш;

- қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

50.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

50.5. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 кишидан иборат бўлади. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

50.6. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

50.7. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

50.8. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралаштиришга ҳақли эмас.

50.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

## **51. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

51.1. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик ҳулосаси тақдим этади.

51.2. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик ҳулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

## **52. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ**

52.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чикариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

52.2. Жамият бошқа жамиятга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганида давлат рўйхатига олиш органи қўшиб юборилган жамият ўз фаолиятини тўхтатгани ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

52.3. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган жамиятларнинг фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

52.4. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан жамият 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади.

52.5. Кредитор жамиятдан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабар бериш йўли билан талаб қилишга ҳақлидир:

- қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;

- бўлиш ёки ажратиш чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

53.6. Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар.

## 54. ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ

54.1. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

54.2. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

54.3. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатиш комиссиясини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

54.4. Тугатиш комиссияси тайинланган пайдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

54.5. Давлат тугатилаётган жамиятнинг акциядори бўлган тақдирда, тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли органнинг вакили киритилади.

54.6. Тугатиш комиссияси жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чоратадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

54.7. Кредиторларнинг талаблар кўйиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Оралиқ тугатиш баланси тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

54.8. Агар тугатилаётган жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси жамиятнинг мол-мулкини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошди савдосида сотишни амалга оширади.

54.9. Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибда оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, ушбу баланс тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.


54.10. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, тугатиш баланси тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

54.11. Тугатиш комиссияси ушбу моддада назарда тутилган тартиб-таомиллар тугалланганидан кейин жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш юзасидан зарур тадбирларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширади.

54.12. Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатиш комиссияси томонидан акциядорлар ўртасида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 100-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

54.13. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади. Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

Жамият бошқарув раиси:

  
С.Х.Кучаров